

Энтони Роббинс

МАҚСАДГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?

Видеодарсининг таржимаси

Манба: <https://www.youtube.com/watch?v=isV5iyqEO-w>

Таржима қилувчи: Шухрат Эшмуродов

Ушбу таржимадан қўйидагиларни билиб оласиз:

- Ҳақиқий баҳт сири нимада?
- ҳақиқий мақсаднинг оддий истақдан фарқи
- кўпчилик мақсадлардаги асосий муаммо нимада?
- ривожланишга эришиш учун нима зарур?
- миянинг қайси хусусияти мақсадга эришишни тезлаштиради?
- ҳаётингизни ёрқин томонга ўзгартериш учун қилинадиган энг асосий нарса нима?
- Нега Майкл Джордонга тақлид қилишади? Унинг сехрли формуласи нимада?

Ассалому Алайкум!

Мен Тони Роббинсман!

Бугун Сиз билан бўлишадиган бир-иккита ғояларим, Сизга нафақат янги йил учун мақсадлар кўйишда, балки янада узокрокқа кетишингизга, яъни **ҳаётингизда барқарор ўзгаришлар ҳосил қилишингизда ёрдам беради.**

Биласизми, кўпчилик инсонлар янги йилга умуман мақсад кўйишмайди. Нима учун?

Чунки, улар бу ишни олдинлари жуда кўп қилишган ва мақсадларини амалга ошира олмасликларини билишади. Кимнинг ҳам ўз кўнглини қолдиргиси келади?!

Ўтган йил қандай бўлса, ахвол яна шундайлигича қоладиган бўлса ким ҳам ҳаётида янги стандартлар ўрнатишга уринишни истарди.

Хўш, ниманидир ўзгартириш ҳакида ўйлашимизга бизни нима мажбур қиласди?! Балким бу шунчаки йил бошидаги

аңъанадир?!

Бирок бу ерда аңъанадан күра чуқурроқ нарса бор! Ичимиздаги нимадир бизни нарсаларни яхши томонга ўзгартиришга ундейди. Календарь бизга ниманидир янгидан, бошқатдан бошлаш ва янги йилда муваффакиятга эришиш имконини беради. Бирок биз ундан самарали фойдаланишини ўрганишимиз керак. Келинг, календарь бизга бугун хизмат қилсин.

Олдимизда турган йилда ҳам, кейинги ўн йилликда ҳам бизни баҳтли қиласынан ягона нарса – бу ҳаётимизда доимий прогрессни (ривожланишини) ҳис қилишдир.

Семинарларимда гапирадиган ва эслатиб ўтмоқчи бўлган оддий принцип шундан иборатки – биз сотиб олаётган буюмлар бизни баҳтли қилмайди. Нима олишингизнинг – пуллар ёки имкониятлар – бунинг аҳамияти йўқ.

Булардан келадиган қувонч қисқа муддатлидир. Ҳаттоқи, қанчалик чиройли бўлмасин, муносабатлардан олинадиган

кувонч ҳам маълум муддатгагина илҳомлантириши мумкин, холос. Агар Сиз бу муносабатларни ривожлантирмас экансиз, улар мана шундай ёрқинлигича қолмайди.

Ҳақиқий баҳт сири прогрессдадир (ривожланишдадир). Прогресс баҳтга тенгдир (**прогресс=баҳт**). Агар биз доимий прогрессга әриша олсак, ҳаётнинг тўлақонли эканлигини ҳис қилишимиз мумкин.

Мана нима учун биз йил бошида ўз-ўзимизга «Бўлди, мен ҳаммасини бошидан бошлайман!», «Мен, қалбим ҳақиқатдан ҳам чанқоқ бўлиб турган нарсани қила оламан!», «Мен яхшилай оламан! Мен ўзгартира оламан!» деймиз. Яна ҳам яхшироқ қилиб «Мен прогрессга әришаман!» деб айтиш ҳам мумкин.

Биласизми, прогресс ҳаётга ўзгаришларни беради. Ахир бизнинг ўзгаришлар устида ишлашимиз шарт эмас.

Инсонлар кўпинча «Мен ўзгаришлар устида ишлайман» дейишиади. Ташвишланманг, Сизнинг ўзгаришлар устида

ишлашингизга ҳожат йўқ. Улар ўз-ўзидан келади.

Буни хохлайсизми ёки йўқ Сизнинг танангиз йиллар ўтиши билан ўзгаради. Иқтисодиёт ўзгаради. Об-ҳаво ўзгаради. Ўзаро муносабатлар ўзгаради. Ҳаётдаги ҳамма нарса доимо ўзгариб боради. Сизнинг ўзгаришлар устида ишлашингиз шарт эмас.

Ўзгаришлар автоматик тарзда содир бўлади, прогресс эса йўқ! **Прогресс ўз-ўзидан содир бўлмайди.** Шунинг учун, агар Сиз чиндан ҳам прогрессга эришмоқчи бўлсангиз, ҳаёtingизга бошқача қарашиングиз керак бўлади.

Сиз, қўпчилик инсонлар каби, воқеа-ходисалар ўз-ўзидан содир бўлишига умид қилиб ўтиришиングиз эмас, балки «Мен бу жараён устидан назоратни ўз қўлимга олишим зарур» дейишиングиз керак.

Ахир улар ўз-ўзига «*Бу йилда мен мана бу мақсадларимга эришаман*» дейишиади. Аслида эса гап истаклар рўйхати ҳакида кетаяпти, холос. Улар бу

истакларининг амалга ошишига фақатгина умид қилишади. Улар ўз истакларини мақсад деб аташади.

Асл мақсад ҳақиқатда нима эканлигини улар тасаввур ҳам қилишмайди! **Мақсад – бу қачонки қатъий қарор қабул қилганингиздир.** Мана у қандай бўлади. Бунда Сиз воқеа-ходисаларнинг бошқача ривожланишининг ҳар қандай вариантларини буткул ҳисобдан чиқарасиз.

Бу худди қадимги ривоятлардагидек: Агар оролни забт қилмоқчи бўлсанг, унга сузиб келган кемаларингни ёқиб юбор! Ахир кемаларингизни ёқиб юборсангиз, демак ортга йўл йўқ. Ва Сиз ҳар қандай имкониятдан фойдаланиш йўлини топасиз.

Кўпчилик инсонлар режалари амалга ошмаганини кўрганда хафа бўлишади. Аммо унчалик эмас, яъни чидаса бўлади. Ахир бунга унчалик ҳам кўп нарса тикишмаган эдида!

Айнан нималар бизга ҳаётимиизда барқарор ўзгаришларни

муваффақият билан амалга ошириш имконини беради? Шунчаки янги йилдаги ваъдаларни эмас, балки узок турадиган ўзгаришларни бизга тақдим қиласидиган нарса нима?

Энг аввало бу ҳақда ҳиссиётли тасаввурга эга бўлишимиз зарур. **Бўлса яхши бўларди мазмунидаги истак эмас**, балки ҳақиқий, асл истагингиз тўғрисидаги ҳиссиётли тасаввур!

Айрим инсонлар «Мен шакар истеъмол қилишни бас қилишим керак» ёки «Мен чекишни ташлайман» ёки «Мен 5 кг вазн ташлайман» дейишади.

Бу қарорлардаги муаммо шундан иборатки – **уларда рухлантирувчи қуч йўқ**. Бу қарорлар Сизга оқибатда қандай натижага эга бўлишингиз ҳақида ҳеч нарса айтмаяпти. Бунинг ўрнига нима қилмасликни уқтиришмоқда. Бу билан олдинга ҳаракат қилиш қийин.

Ҳақиқатдан ҳам иш берадиган ҳиссиётли тасаввур Сизни рухлантиради. Агар Сиз «Менинг бу ҳафтадаги ёки ойдаги мақсадим мана шунча вазндан халос бўлиш» деб айтсангиз, бу

умуман олганда ёмон эмас. Лекин унчалик рухлантирувчи эмас.

Мақсадингиз ҳақидаги тасаввур, қарашлар Сизни рухлантириши керак! У Сизни ҳаракат қилишга фақатгина мажбурлаши эмас, балки Сизга турткى берадиган кучга эга бўлиши керак.

Мотивациянинг икки тури мавжуд:

- босим кучи орқали. Бу Сиздан ирода кучини талаб қилади. Маълумки ирода кучи чексиз эмас.

- тортувчи куч орқали. Бу ўзига тортувчи, жалб қилувчи, рухлантирувчи нимадир. Сиз шундай қучли истайсизки, бу ҳақда ширин хаёлларга берилиб, ҳаттоқи кечалари ҳам уйқунгиз келмайди. Уйқудан вақтли турасиз ва янги чўққиларга кўтариласиз. Мана шундай ҳиссиётли тасаввур ҳақиқий кучга эга.

Бироқ бундай ҳиссиётли тасаввурни ҳосил қилиш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди. Бизнинг кўп сонли одамларни

жамлаб тренинг үтқазишимизнинг сабабларидан бири ҳам мана шунда.

Айримлар айтиши мумкин, «*Шунчаки китоб ўқиб қўйиш мумкин-ку*» деб. Бироқ, қачонки Сиз эмоционал чуқки ҳолатида турган бошқа одамлар билан бир муҳитга тушганингизда ҳаммаси буткул бошқача бўлади.

Бу худди спорт мусобақсини стадионда кузатишга тушганга ўхшашибир. Атрофингизда, бутун стадион бўйлаб 50000 минг одам зўр ғайрат, иштиёқ билан ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳолатда, тўсатдан ўзига хос илҳом, рухланиш, бошқача даражадаги кучли эмоциялар тўлқини келади.

Тренингдан мақсад эмоционал интенсивликни ҳосил қилишибир. Бундай вазиятда одамлар янада рухлантирувчи ҳиссиётли тасаввурларни ҳосил қилишга қодир бўлишади.

Энди эса стулга ўтириб олиб, «*Хўш, янги йилда қандай режаларни амалга оширсан экан?*» деган қарашга эътибор қилинг. Айниқса бу байрамнинг эртасига бўлса-чи. Устига –

устак бу ёқда телевизор орқали футбол ҳам бошланиб қолай деяпти.

Бундай вазиятда үзингизда **бутун йил давомида Сизни ундаған турувчи ҳиссиётни топишиңгиз анча қийин бўлади.**

Шунинг учун ҳам Сизни үзига жалб қиласидиган, Сизни рухлантириб турувчи ҳиссиётли тасаввурни хосил қилишиңгиз жуда муҳимдир.

Шунингдек, қийинчиликлар чиққанда ҳам ҳаракатланишни давом эттиришиңгиз учун ҳиссиётли тасаввур билан бир қаторда Сизда жиддий сабаблар ҳам бўлиши керак.

Бу кўпчилик англаб етмайдиган жиҳатлардир. Улар шунчаки «Мен мана буни қилмоқчиман» деб айтишади. Бу эса етарлича рухлантирмайди. Яна муҳими эса, қочиб бўлмайдиган тўсиқлар пайдо бўладиган вазиятларда олдинга ҳаракатланиш учун туртки бўладиган жиддий сабабларга эга эмас.

Диета вақтидаги очликни ҳис қилганингизда, вақтингиз етмаганда, стресс пайтида, режа қилганларингиз иш бермаганида олға интилишда давом этишингиз учун туртки бўладиган жиддий сабабларнинг йўқлигидир.

Агар бу жиддий сабаблар бўлмаса, Сиз мақсадингизга эришишнинг бошқа усулини топиш ўрнига таслим бўласиз. Бироқ, Сизда жиддий сабаблар бўлса, қўркув ҳисси Сизни енгишига йўл қўймайсиз.

Бундай сабаблар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Масалан, агар мен буни қилмасам, мен ... дан ажраламан. Ёки, агар буни амалга оширсам ҳаётимда мана буларга эришаман каби.

Аввал сабаблар бор бўлиши керак, жавоблар эса кейин келади.

Агар Сизда рухлантирувчи, ҳиссиётли тасаввур ва жиддий сабаблар бор бўлса, улар Сизни қийин вазиятлардан албатта олиб чиқади. Сиз, чекиниш ўрнига бошқалар қила

олмайдиган ишларни қила оладиган бўласиз. Ҳаттоки йўлингиздан адашган тақдирингизда ҳам унга қайтиб кела оласиз. Сиз буни ўз ҳаёtingиз давомида кўп бора қилганингизга ишончим комил. Мен бугун қандайdir ўзига хос нарсаларни айтаётганим йўк. Мен шунчаки билганларингизни эслатяпман, холос.

Прогрессга әришиш учун **биринчидан** руҳлантирувчи хиссиётли тасаввур, **иккинчидан** эса ҳаракатга ундовчи жиддий сабаблар керак. **Учинчи** қадам. Сиз буни ҳар куни тақрорлашингиз ва бу ҳақда ўйлашингиз керак.

Ҳаёtingизда мана бундай бўлганми: Қачонки Сиз ниманидир жуда хохладингиз ва у ҳақда ўйламасликнинг иложини қила олмай қолдингиз. Бу балки карьерангиз бўйича ўсиш, муносабатлар, машина бўлгандир.

Бу Сиз бутун вужудингиз билан берилган, «жинни» бўлган нимадир. Сиз бунга қандай әришишни билмасдингиз ҳам. Аммо у шунчалик ўзига тортувчи эдики ва Сиз у ҳақда ҳар куни ўйлашда, тасаввур қилишда, ҳис қилишда давом

этардингиз.

Ва түсатдан нималардир содир бўла бошлаган. Түсатдан ҳаётингизда керакли одамлар пайдо бўла бошлаган. Вазиятлар ўнг кела бошлаган. Ва оқибатда истагингиздаги содир бўлган. Бир қарашда бунга эришиш борасида қандайдир маҳсус режангиз ҳам йўқ эди. Аммо у Сизнинг дикқат-эътиборингизнинг катта қисмига айланганди.

У сизда шунчалик кучли эмоционал кечинмаларни ҳосил қилган эдики натижада Сиз бунга алоқадор ҳар қандай нарсаларни сезишни, эътибор қилишни бошладингиз.

Бизнинг миямизда ретикуляр-фаоллашиш тизими деб аталган қисм бор. Миямизнинг бу қисми атрофдаги нималарни пайқашга, нималарга дикқат қилишга қодирлигимизни белгилаб беради.

Масалан, агар қачонлардир бирор маркадаги автомобиль ёки бирор фасондаги кийим сотиб олган бўлсангиз, Сиз түсатдан худди шундай маркадаги автомобилни ёки

фасондаги кийимни ҳамма жойда пайқай бошлайсиз. Бу шунинг учун юз берадики, олган нарсаларингиз Сиз учун мухим, улар Сизнинг дунёингизнинг бир қисмига айланди.

Мақсадингизга әришишда миянгизнинг бу хусусиятдан фойдаланинг. Қачонки Сиз мақсад қўяр экансиз, аниқ ҳиссиётли тасаввурга, жиддий сабабларга эга бўлинг ва уларга доимо мурожаат қилинг. Ана ўшанда миямизнинг бу қисми «бунга алоқадор ва мақсадга әришишда ёрдам берувчи барчасини пайқашим зарур экан» дейди. Бунда жуда катта куч мужассамлашган.

Баъзан одамлар янги йилда ўзларига ваъда беришади, нима хохлашларини ҳал қилишади. Аммо уларда рухлантирувчи ҳиссиётли тасаввур йўқ, жиддий сабаблар йўқ. Ва улар бунга диққат – эътиборини жамлашмайди, токи ўзлари кутган ҳодиса амалда содир бўлмаганини пайқашмагунча.

Бунга сабаб уларда қатъий қарорнинг йўқлигидир. Агар Сиз қатъий қарор қилган бўлсангиз, Сизда рухлантирувчи

хиссиётли тасаввур бор бўлса ва унга ҳар куни мурожаат қилсангиз, тасаввур қилсангиз, ҳис қилсангиз **уни амалга ошира оласиз.**

Узок турадиган ўзгаришларни ҳосил қилишнинг асоси нимада? Бунинг асл моҳияти – ҳаёт стандартларини кўтаришдадир.

Мен буни ҳар доим одамларга айтаман. Агар ўз ҳаёtingизни ўзгартиришни истасангиз, бунинг жавоби З та сўзда мужассамдир: **ЎЗ СТАНДАРТЛАРИНГИЗНИ КЎТАРИНГ!**

Жуда содда кўриняпти, шундайми?! Бу кашфиёт учун сенга раҳмат Тони! Мен бу аҳмоқона китобни ўқишга вақт сарфлаганимдан хурсандман!

Аммо, мана булар хақида ўйлаб кўринг. Узок турадиган ўзгаришлар одатий мақсадлардан жуда катта фарқ қиласди. Сиз ҳар доим ҳам ўз мақсадларингизга эришавермайсиз. **Аммо ўз стандартларингизни ҳар доим амалга оширасиз.**

Сиз одамлар ҳаётда доимо «қилишим керак»ларни эмас, балки нима қилишлари зарур бўлса ўшани амалга ошириб келишлари ҳақида ўйланг.

Кўпчилик одамларда нималарни қилиши кераклиги ҳақидаги рўйхати бор! -)

- вазн ташлашим керак;
- залда кўпроқ шуғулланишим керак;
- кўпроқ қўнғироқ қилишим керак;
- тил ўрганишим керак;
- ўзимни янада ишонч билан тутишим керак;
- ва яна шунга ўхшашиб керак ва яна кераклар.

Одамлар бундай рўйхатга эга бўлишни яхши кўрадилар. Бу эса худди янги йил байрамидаги ваъдалардек гап. Яъни, agar бу амалга ошиб қолса, жуда зўр. Агар кўпинча бўладиганидек амалга ошмаса-чи?! Ачинарли, албатта, аммо Сиз бунга кўп ҳам ишониб юбормаган эдингиз.

Аммо бошқа тарафдан қарасак. Агар Сиз «Буни қилишим

ҳақиқатдан ҳам зарур!», «Бу мутлоқ зарур!» дея қарор қилганингизда-чи? Сиз хаёлингиздан хар қандаі бошқа вариантни олиб ташлаган бўлардингиз. Сиз «*Нима бўлишидан қатъий назар бунга қандаі эришиши албатта топаман!*» деган бўлардингиз.

Ҳаётингизда рўй берган бунга ўхшаш мисоллар ҳакида ўйланг. Сизда мана шундай вазиятлар бўлганмиди? Яъни, Сиз ўз стандартларингизни оширдингиз ва натижада ҳаётингизни ўзгартиредингиз. Балким, Сиз бир неча йиллар давомида сигарет чекиб ёки бошқа нарса қилиб келсангиз-да, ўз – ўзингизга «*буни ташлашим керак*» дея бу одатингизни тўхтатишга ҳаракат қилгандирсиз.

Аммо кунларнинг бирида тўсатдан нимадир содир бўлди, нимадир худди включателдек қўшилди, бурилиш лаҳзаси юз берди ва Сиз ўзингизга «*Бас, етар!*» дедингиз. Ва шу лаҳзалардан бошлаб ҳаммаси бошқача кета бошлади.

Ва Сизнинг ичингизда нимадир ўзгарди. Шу пайтгача «керақ» деб аталган нарса энди «зарур» деб атала бошлади.

Ва шундан сўнг Сиз ўтмишингизга умуман қайтмагансиз.
Сизнинг ҳаётингизда мана шундай ҳолатлар бўлганми?!

Мен 33 йил давомида 100 та мамлакатдаги 4 миллион одам билан ишлаш мобайнида англаб етган нарса бор. Одамлар ўзларини ўзлари ҳақидаги ўз тасаввурларига мутлок мос ҳолда тутишади.

Агар Сиз менга «Мен бор кучим билан ҳаракат қилман, чекиши ташлаш устида ишлайман. Умуман олганда мен бир умр чекиб келганман. Ман табиатан чекувчиман» десангиз билингки, сигаретга яна қайтиб келиш кунингиз жуда яқин.

Чунки, бизнинг ўзимизни тутишимиз ўзимиз ҳақимиздаги ўз тасаввурларимизга мос келади. Инсон шахсининг энг кучли жиҳати бу – ўзимиз ҳақимиздаги ўз тасаввурларимизга мос бўлишга бўлган эҳтиёждир.

Агар Сиз ўзингизни консерватив инсон сифатида кўрсангиз, идрок қилсангиз, у ҳолда Сиз бепарво қилиқлар қилмайсиз, агар алкогол ёки яна нимадир таъсирида

бўлмасангиз, албатта. Тўғри, бундай пайтда ҳамма айбни алкаголга ағдариш мумкин. Балким, Сизнинг табиатингиз ўз-ўзи билан бўлгиси келаётгандир, алкогол эса бунга сабаб бўлаётгандир.

Агар Сиз ўйламасдан иш қиладиган одам бўлсангиз, у ҳолда Сиз телбанамо қиликлар қиласиз. Ўзингизни қиморбоздек тутасиз. Сиз консервативлардек ҳаракат қилмайсиз. Сабаби - Сиз шунчаки ундаи одам эмассиз.

Одамлар кўпинча «Мен буни қила олмайман. Мен шунчаки ундаи инсон эмасман» дейишади. Мен эса улардан «Ростданми? Қандай инсон эканлигинизни қачон аниқлаган эдингиз? Неча йил олдин Сиз ҳаётда буни қила оламан ёки қила олмайман деган қарорга келгандингиз? Неча йил олдин?» деб сўрайман.

Кўпчилик инсонлар 10, 20, 30 йил олдин юзага келган стандартлари, қарашлари асосида ҳаракат қилишади. Жуда кўп ҳолларда биз ёшлигимиздаёқ имкониятларимизнинг нимага етиши ёки етмаслиги борасида, шахс сифатида ким

Эканлигимиз түғрисида қарорга келамиз. Бу эса, Сизни чеклаб турувчи ойнали шифтга айланиб қолади.

Бу борада сийқаси чиққан, аммо жуда түғри бир метафора бор. Ўшанда оиласиз билан циркка боргандим. У ерда ингичкагина арқон билан бўйнидан кичкина қозикқа боғлаб қўйилган катта филни кўрдим.

Сиз ҳам бу филни кўрганингизда унинг бир ҳаракат билан нафақат ипни узишга ёки қозикни осонгина қўпориб ташлашга, балки бутун бошли стендни судраб кетишига кучи етишини фаҳмлаган бўлардингиз. Аммо у бунга ҳаракат ҳам қилмасдан жим туради. Нима учун?

Чунки у ишонч кучи таъсири остида турибди. У ҳали ёшлигиданоқ бундай ишонч таъсирига тортилган бўлади. Уларни мана шундай қилиб тарбиялашади. Филни ҳали кичкина ва кучга эга бўлмаган пайтида бўйнидан катта арқон билан қалин устунга боғлаб қўйишади.

Филча бунга қаршилик қилиб ўзини ҳар тарафга уради,

ураверади... токи бунга қодир әмасман деган фикрга келгүнича.

Қачонки мана шундай фикр кимнингдир (хозирги ҳолатимизда филнинг) бир қисмига айланса, улар бундан кейин бошқа ҳаракат қилишмайди. «Шунчаки менинг борим шу!», «Шунчаки, менинг ҳаётимнинг ўзи шундай!» деб ўйлашади.

Мен, ҳаётиңгизнинг ҳар қандай жабхасидаги мавжуд чекловларга диққат қилишингизни, ва ўзингизга ушбу саволни беришингизни истардим: **Қачон Сиз бу чекловларни қабул қилишга рози бўлдингиз?**

Балким Сиз чекловчи қарашларни кўрмаётгандирсиз ва менинг борим шу деб ўйлаётгандирсиз!

Жуда кўп ҳоларда биз одамларга ёки одамлар бизни хурмат қилиши учун ўзимизни маълум бир тарзда тутишга мослашиб оламиз. Аммо биз ҳақиқатдан ҳам шундай эканлигимизни англатмайди!

Қувонч, қачонки одамлар спонтан равища (ташқи таъсирсиз, ички сабаблар туфайли) ҳаракат қилганда келади. Қачонки ўз-ўзингиз билан бўлмас экансиз, ҳақиқий баҳтли бўлиш қийин.

Кўпчилигимиз ҳаттоқи ҳақиқатда ким эканлигимиз тўғрисида тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам семинарлардаги менинг ишимнинг катта қисми одамларни спонтан равища, ўйламасдан ҳаракат қилишга мажбурлашдан иборатдир. Чунки бундай пайтларда Сизнинг ҳақиқий менингиз намоён бўлади. Қачонки Сиз ўз менингиз билан боғланар экансиз ҳаётингизда анча юқори сифат стандарти ўрнатишингиз учун тўсатдан энергия пайдо бўлади.

Стандартлар ҳақида гапирганда, яъни, биз қилишимиз керак бўлган нарсаларнинг қилишимиз зарур бўлганларидан фарқини англаш учун ҳаётингизда рўй берган қуидагига ўхшаш ҳолатлар ҳақида ўйланг.

Мен аниқ биламан, ҳаётингизнинг шундай жабҳаси

борки, қайсиdir лаҳзаларга келиб шунчаки кучларингизни тезда жамлаб ўз стандартларингизни кўтаргансиз ва ҳаётингиз ўзгарган.

Биз ўзимизни ким деб ишонсак шунга мос ҳаёт кечирамиз. Масалан ..., ўз танангизга қаранг. Сизнинг жисмоний танангизнинг бугунги кундаги кўриниши – бу бир нарсани ўзида мутлоқ акс эттиради. У Сизнинг мақсадларингизни эмас, истакларингизни эмас, балки Сизнинг стандартларингизни кўрсатиб турувчи кўзгудир. Ўзингизни қандай шахс деб ҳисоблашингизни билдириб туради.

Агар Сиз стандартингизга қўра ўзингизни атлет деб ҳисобласангиз, у ҳолда Сизнинг танангизда доимо тайёр турган куч, тонус, энергия бор. Чунки Сиз, ким бўлсангиз ўшасиз. Ва Сиз, ўзингизни бу ҳолатда ушлаб туриш учун нима керак бўлса, ҳаммасини қиласиз.

Яна бир бор такрорлайман, инсон шахсиятининг энг зўр кучи – бу ўзимизни ким деб кўрсак, ўшандай бўлишга

бўлган эҳтиёжимиздир.

Нимадир Сизнинг шахсиятингизнинг бир қисмига айланган заҳоти, миянгиз Сизни қандай қилиб ушбу ҳолатда сақлаб туриш чорасини албатта топади.

Агар Сиз:

«Мен ортиқча вазнга эгаман. Ҳар доим шунақа бўлган. Менинг суюкларим йирик.» десангиз. Агар бу гаплар Сиз ўзингизга доимо айтиб юрадиган гапларингиз бўлса, Сиз бу ҳолатга яна қайтиб келиш йўлини албатта топасиз. Бу Сизнинг хотиржамлик нуқтангиздир. Бу шахсиятингизнинг бўлагидир. Бу – ўзингизга сингдирган нарсадир.

Ўз семинарларимда аудиториядан «Ким ҳафтасига 5 марта спорт билан шуғулланса, илтимос, ўрнингиздан турсангиз!» дея сўрайман.

Инсонларга қарашингиз биланоқ, ким ҳафтасига 5 марта шуғулланишини олдиндан айтишингиз мумкин. Чунки Сиз уларнинг танасини кўриб турибсиз.

Харакат қилмасдан туриб, маълум бир шаклдаги ритуалларсиз, одатларсиз натижага эришиб бўлмайди! **Ритуал** – бу Сиз тизимли равишда амалга ошириб борадиган ҳаракатлардир.

Нима, Сиз ҳафтасига 5 марта шуғулланадиган инсонларнинг, ёки менинг, ёки яна кимнингдир вақти Сизнидан кўпроқ деб ўйлайсизми? Албатта, йўқ! Уларнинг иши камроқми? Албатта йўқ! Бу улар учун шунчаки заруриятдир. Мен Сиз ҳам ҳафтасига 5 маротаба шуғулланинг демоқчи эмасман.

Мен шуни айтмоқчиманки, Сиз нима исташингиздан қатъий назар бир нарсани доимо ёдда сақланг:

Истаклар ҳар доим ҳам амалга ошавермайди, аммо стандартлар доимо амалга ошади!

Масалан, унчалик рухлантирмайдиган «5 кг га озиш» деган мақсад ўрнига, куйидагича қараш бўлса нима бўлган

бўларди:

«Шу йилда ёки кейинги 90 кун ичида жанговор вазнга қайтаман. Бу ойда мен ўз танамни ўзгартираман, ўзимга буни вазифа қилб оламан. Миллионлаб қалашиб ётган, менга ёрдам берадиган янги техникани, стратегияни излаб топаман. Мен ўзимни ҳар қачонгидан ҳам навқирон, кучли, ёрқин ҳис қилишни хохлайман»

Менга ўз ҳаётимни ўзгартириш учун энергия керак. Чунки атроф муаммога тўлиб ётибди. Ва менга буларни ҳал қилиш учун катта энергия керак.

Агар мен бунга эришсам, кўзгу олдига боришни ва ўзимга қараб, кулган ҳолда «Ҳа! Мен бунга эришганимдан фахрланаман» дейишни истайман.

Бунда Сизни кулишга, қувонишга ундейдиган, ҳавасингизни қўзгайдиган ва янги даражага чиқишингизга ёрдам берувчи ҳар қандай тасаввур бўлаверади.

Агар Сиз үз сифатларингиз ҳақида янги қарашларни шакллантирангиз, Сиз бу ҳақда ҳар куни үйлай бошлайсиз. Бу Сизнинг қандай яшашингизни белгиловчи стандартга айланади. Ва Сиз ушбу стандартни ҳаётга жорий қилиш йўлини албатта топасиз.

Пуллар билан ҳам худди шундай!

Ушбу кварталда, ундан кейингисида ҳам, иқтисодиётда, бозорда нима бўлаётганинг аслида унчалик аҳамияти йўклиги ҳақида үйланг. Айрим пул топаётган инсонлар, нима бўлишидан қатъий назар пул топиш усулини топишади. Шундай эмасми?!

Кўпчилик учун стандарт – бу үз тўловларини ёпишdir. Бу инсонлар иқтисодий қийинчилик вақтида ҳам ушбу стандартини амалга ошириш йўлини топишади.

Маълум бир инсонларнинг стандарти эса, нафакат үз тўловларини ёпиш, балки үз қариндошларига, дўстларига ҳам ёрдам беришdir. Улар буни қандай бўлсада амалга ошириш йўлини топишади.

Балки, Сиз факат ўзларига етадиган даражадагина пул топадиган оилаларни билсангиз керак. Улар бор кучи билан ишлашади. Дейлик уларнинг кимиdir бемор бўлиб қолди, отасими ёки онасими. Ва қариндошлар орасида ҳам bemorga ғамхўрлик қиласидан ўзларни йўқ бўлсин. Уларда ҳам маблағ йўқ, лекин бунга қарамасдан улар бу пулларни қандай топиш ўюлини қидириб топишади ва ота-онасига ёрдам беришади. Устига устак ўзларининг ойлик харажатларини ҳам тўлай олишади.

Олдинлари улар буни қила олишмасди. Нима учун? Чунки вазият уларни ўз стандартларини кўтаришга мажбур қилди. Тўғри ҳамма ҳам бундай ёрдам қилишмайди. Балки, ҳаттоқи оиладагилардан кимнингдир етарлича пули бордир ҳам. Аммо улар барибир ўз ота-онасига ғамхўрлик қилишмайди.

Ҳаммаси онгдаги ички қоидалар билан белгиланади, азиз дўстларим! Ҳаётингиздаги ўзгаришлар – бу онгингиздаги ўзгаришлар натижасидир. Биз ташқи дунёни бошқара

олмаймиз. Аммо Сизда үз дунёнгиз устидан мутлоқ хукмронлик бор!

Агар Сиз, Сизга ва Сизнинг Менингизга нима таъсир қилишини билсангиз ва уни бошқаришни ўргансангиз – натижада ҳаёtingизни ўзгартириш имконига эга бўласиз.

Бу жуда соддадек кўринаётган бўлиши мумкин. Аммо бу хақиқатдир.

Қачонлардир кимдир «Дунёдаги барча инсонлардан, энг бойлардан, энг омадлилардан, энг камбағаллардан ҳам, бор пуларини олиб, қайтадан ҳаммага teng тақсимлаб берилса, қисқа вақтдан сўнг пуллар яна муваффақиятли инсонлар қўлига қайтиб келади» деб айтганди.

Бу нарса муваффақиятли инсонлар манипуляция қилгани учун эмас, балки уларнинг ички стандарти шуни тақозо қилгани учун содир бўлади.

Агар Сиз үз ҳаёtingизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, мен

Сизга яна бир муҳим СИРни айтаман.

Сизда «Мен ўз стандартларимни ўзгартираман! Мен мана шунча пул ишлаб топаман! Мен фарзандларимга зўр тарбия бераман! Мен жуда гўзал муносабатлар қураман! Мен танамни ўзгартираман!» деган ва аммо уни амалга оширган вақтларингиз бўлганми?

Чунки, Сиз стандартларингизни уларни ҳақиқий киладиган нарса билан мустаҳкамламагансиз. Бу ритуаллардир (тизимли равишда бажариладиган амаллар).

Ритуалларда жуда катта куч мужассамлашган. Сиз менинг «Ultimate Edge (Юксак устунлик)» номли курсимни эшигтан бўлсангиз керак. Биздаги усулнинг мазмунин Сизнинг олдингизда турган барча катта-катта масалаларни олиш ва уларни кичик қадамларга бўлишдан иборатдир.

Сиз ҳар куни унчалик катта бўлмаган топшириқларни бажарасиз ва улар ёрдамида ҳар бир лаҳзанинг энергиясини тўплаб борасиз. Бу эса Сизнинг одинга бўлган

харакатларингизни енгиллаштиради. Сиз ортиқча юкланмагансиз ва кундан кун кичик ютуқларга әришиб бораверасиз.

«Ultimate Edge (Юксак устунлик)» дастуримизда «Куч соати» (hour of power) машқини үтамиз. Бунда Сиз, унча катта бўлмаган ритуаллар ёрдамида ўзингизга эмоционал таъсир үтказиши, сингдиришни амалга оширасиз. Натижада, атрофингиздаги дунёда нима содир бўлишидан қатъий назар, Сизга қўшимча куч оқими келганини сезасиз. Ва бу ёлғон ҳам, бўрттириш ҳам эмас. Бу Сизнинг ичингиздан келади ва хақиқатдан ҳам ишлайди.

Ритуаллар бизнинг ким бўлишимизни белгилаб беради. Ҳаётимиздаги барча натижалар ритуалларимиз орқали бўлганлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

Ҳаммаси ритуалларга айланган стандартлардан бошланади. Масалан, агар Сиз яхши жисмоний формада бўлсангиз, Сизнинг ритуалларингиз Сиз ёмон жисмоний формада бўлган пайтингиздаги ритуаллардан буткул фарқ

қилади.

Агар Сизда ортиқча вазн бор бўлса, иккаламиз ҳам биламизки, Сизнинг ритуалларингиз ўзига қараб юрадиган инсоннидан бутунлай фарқ қилади. Буткул бошқа-бошқа бўлади.

Эрталаб турганда энг биринчи нима қиласиз?

Агар танангиз спортчиларнидек таранг, кучли бўлса, демак, қўлингизда кроссовкалар. Ўзингизни қандай ҳис қилишингиздан қатъий назар Сиз уларни кийиб кўчага, сайдга, машқ қилишга ёки югуришга чиқасиз.

Агар Сиз ортиқча вазн соҳиби бўлсангизчи? Бу Сизнинг ритуалларингиз буткул бошқача эканлигини билдиради.

Сиз будильникни ўчириб, бир неча бор у ёқ – бу ёққа думалаб, сўнgra турасиз ва нима бўлишидан қатъий назар ўзингизнинг аччиққина кофенгизни ичасиз, Старбакс (Америкадаги кофе сотадиган шахобчалар тармоғи) ёки бошқа

бирор кафега киришга, ҳамда ўзингизнинг ёғлиққина ширин булочкангизни ейишга улгурасиз. Аммо, бу буткул бошқа ритуал.

Агар Сизда оилавий муносабатлар жуда гўзал бўлса, Сизнинг уйга келганда амалга оширадиган ритуалларингиз оилавий муносабатлари ёмон бўлганларнидан умуман бошқача бўлади.

Уйга келганда энг биринчи нима иш қиласиз? Почтангизни текширасизми, янгиликларни ўқийсизми, ким биландир ёзишасизми ёки умуман уйга келмайсизми?

Мен муваффакиятга эришган инсонларни ўрганганимда, мен уларнинг ўзлари учун қандай стандартлар ўрнатишганлигини, бошқалардан ажратиб турувчи қандай ритуалларга амал қилишини тушунишга ҳаракат қиласман.

Ахир муваффакият ва омадсизлик ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўз-ўзидан содир бўладиган катта ҳодисаларнинг натижаси эмас.

Сиз түсатдан муваффакиятли бўлиб қолмайсиз. Ёки мағлубиятга учратадиган фожеали ҳодисага түсатдан йўлиқмайсиз, бу шундай кўринса ҳам.

Аммо мағлубият кичик нарсалардан ҳосил бўлади. Бу – қўнғироқ қилишни ёки текшириб кўришни хохламаслик, кечир демаслик, бажаришни истамаётган ишларни қилиш ва хоказолардир.

Барча мана шундай кичик нарсалар кундан-кун давом этиб бораверади, токи ўша Сиз айблаётган фожеали ҳодиса содир бўлгунча.

Аммо бу ҳодиса Сиз шу кунгача қўлдан бой берган майда-чуйда нарсалар натижасида содир бўлдику. Кўшиласизми? **Муваффакият ҳам шундай, у ҳам бир лахзада келмайди.** У ўша кичик нарсалардан ташкил топади.

Муваффакият – бу тасаввурга, қарашларга эга бўлишдир. **Муваффакият – бу қарашларни илҳомлантирадиган қила**

олиш қобилиятидир. Уни амалга ошириш учун жиддий сабабларга эга бўлишдир.

Муваффакият – бу «Мен бу ерда ўсиш учун келганман!» дея онгли равища үйлашдир. «Мен бу ерга дунёга ўзимдан ҳам кўра кўпроқ нарса бериш учун келганман!» дейишидир.

Муваффакият – бу бошқа одамлар учун ғамхўрлик қилишдир. Муваффакият – бу ҳеч бир сабабсиз телефон қилиб «Мен сени яхши кўраман!» дейишидир. Ёки муносабатларни ўзгартирадиган хабар юборишидир.

Муваффакият – бу кувонч олиб келадиган, лол қолдирадиган қандайдир ишлар қилиш одатидир (ритуалидир).

Бугунги кундаги қанчадан қанча муносабатларнинг жонсиз бўлиб ётишига сабаб, уларда лол қолдириш одатининг (ритуалининг) қолмаганлигидир.

Сиз бошқаларда йўқ бўлган, Сизга бошқалардан кўра

яхшироқ ҳаётни таъминлайдиган ўз ритуалларингизга эга бўлишингиз керак. Муваффакиятнинг асосини мана шу, Сиз майда нарсалар деб ўйлайдиганларингиз ташкил этади.

Бизнесда эса, бу бошқалар тасаввур ҳам қила олмайдиган натижаларга эришишдир. Одамлар «*Қойил! Ҳа! Мен мана шу йигит билан бизнес қилмоқчиман!*» дейишин.

Бу нарсалар ҳаётиңгизнинг исталган соҳаси учун ўринлидир. Агар Сиз муваффакиятга эришган кимгадир қараб туриб «*Қойил, у ҳақиқий даҳо!*» деяётган бўлсангиз, шуни ёдингиздан чиқарманки, у бунга эришиши ва одамларнинг эътирофига сазовор бўлиш учун ёлғизликда йиллаб машқ қилган.

Менга айрим вақтларда айтиб қолишади «*Бу қандай бўлиши мумкин?! Сенда ҳеч қандай матн йўқ, лекин сен худди электрга улангандек уч қунлаб узлуксиз гапирасан! Бўлиши мумкин эмас! Бу худди рок концертига ўхшайди! Сен буни қандай қиласан? Бунчалик ўзига ишонч қаердан келади?*»

Биласизми? Бу үзига ишонч әмас, шунчаки тажрибадир. Аммо мен парда ортида үз устимда кўп ишлаганман. Ҳозиргача ҳам, ҳаммаси яхши бўлиши учун, шундай қиласман.

17 ёшимдан бошлаб то ҳозирги кунгача мен ҳеч қачон үзимни мутлоқ чўққи холатга келтирмасдан туриб саҳнага чиқмайман! Биласизми, менинг томоғим оғриган пайлари бўлади, қийинчиликларни бошдан кечираётган бўламан, менинг отам яқинда оламдан ўтди. Аммо мен барибир саҳнага чиқишим керак. **Менинг стандартим – ҳар сафар ўзни буткул бағлашдир! Ҳар сафар зўр бўлиши керак!**

Бу эго әмас. Бу шунчаки менинг стандартимдир. Мен кўп вақтимни тайёрланиш учун сарфлайман. Тафаккур қиласман, янги маълумотларни йигаман. Одамлар нимага муҳтоҗлигини биламан. Мижозлар билан вақт ўтказаман. Нима содир бўлаётганига қарайман. Ва менинг, саҳнага чиқиш олдидан үзимни энг чўққи холатга келтириш учун қўллайдиган кичик ритуалим ҳам бор.

Мен буни бажаришни 17 ёшимда бошлаганман. Ўз

онгимни ва танамни ишонтириш учун мен худди афсун қилғандек бир неча ибораларни баланд овозда такрорлайман.

Нима бўлишидан қатъий назар бу одамга ўз ҳаётини ҳозироқ ўзгартиришига ёрдам беришим учун мени йўналтиришини ва менга куч, эмоциялар, кувноклик беришини ботиний онгимга буюраман.

Мен ишимни 1 та инсондан бошлагандим. Карьерамнинг бошланишида, ўзимнинг Фольксваген автомобилимда кетаётган вақтимда бу ибораларни 45 минутлаб такрорлардим. Бугунга келиб мен бу одамга эмас, балки бу одамларга гапирияпман.

10000 лаб инсон билан тўлган залга кирганимда ҳам ва 55 соатлаб чиқиш қилганимда ҳам, ҳар сафар саҳнага қайтганимда ҳам буни қиласман. Бу ритуалдир. Чўққи ҳолатга кириш ритуалидир.

Чўққи ҳолати, худди буюк ғоялар Сизга осмондан шунчаки тушмагани каби, осонгина келмайди. Сиз уни

излашингиз керак.

Мен Майкл Джордон билан сұхбатлашғанман. Ва ҳеч қачон әсдан чиқармайман. Унинг гуллаб яшнаган даврида финал үйинини томоша қилиш учун келгандым. Кейин қанчадир вакт у билан бирга бўлгандик. Бу үйин жуда завқли бўлганди. У қачонлардир яшаганлар орасидаги энг буюк баскетболчиридир.

Мен ундан сўрадим: «Майкл, қайси жиҳатинг сени бошқалардан ажратиб туради? У нима? Талантми, қобилиятми, малаками, нима у? »

У айтди: «Биласанми Тони, мен сенга дангалини айтаман. Камтарлик қилиш ниятим йўқ. Менинг тугма талантларим, кўникмаларим ҳақиқатдан ҳам жуда кўп. Шунингдек мен жуда кўп ва қаттиқ гайрат билан ишлайман. Аммо буларнинг ҳаммасининг асоси – менинг стандартларимdir. Мен ҳар куни ўзимдан ҳеч ким кутмайдиганидан ҳам кўпроғини талаб қиласман. Мен бу борада ким биландир мусобақа қилмайман. **Мен ўзим нимага**

қодир бўлсан, шу билан мусобақалашаман!»

Ҳмм, сехрли формула!

Бизнинг кўпчилигимиз ўз стандартларини пасайтиришади. Нега? Чунки, азиз дўстларим, ким билан вақтимизни ўтказсак, ўшандай бўламиз.

17 ёш бўлган пайтларимда семинарларга боришни бошлишимнинг сабабларидан бири, атрофимда мен тақлид қилишим учун намуна бўлиб хизмат қиладиган ҳеч кимнинг йўклиги эди. Мен қизиқарли инсонлар ҳақида ўқишим мумкин эди. Аммо улар билан мулоқат қилиш, уларнинг **муҳитида бўлиш – бутунлай бошқа нарса.**

Агар Сиз паст стандартга эга инсонлар билан мулоқат қилаётган бўлсангиз, Сизнинг улар билан мусобақалашишга ҳожатингиз йўқ. Сизнинг ўз ҳаёtingизни ўзгартиришга ҳам ҳожатингиз йўқ.

Қилинадиган бор-йўқ иш – бу паст стандартга эга инсонларни топишдир. Ва Сиз ўзингизни нисбатан яхши ҳис

этасиз. Агар Сиз мана шундай яхши ҳисларни бошдан кечираётган бўлсангиз, билингки бу саробдир.

Азиз дўстларми, Сизни ушбу ва бундан кейинги барча йилларда баҳтли қиласиган ягона нарса – бу олдинга қадам ташлаш қобилиятидир. Сиз нимага қодир эканлигинизни кашф этиш учун **ўз стандартларингизни кўтаришдир**. Ва Сизни ушлаб турган нарсани енгиб ўтадиган, ақл бовар қилмас энергияни ҳис қилишдир. Ҳамда бошқа томонингизни, ўзингизнинг ҳақиқий менингизнинг англашдир.

Дунёning турли жабҳаларидағи лидерларига боқинг. **Тайгер Вудс.** Унинг қарашлари қандай? Гольф бўйича жаҳон чемпиони бўлишми? Йўқ! Тарихдаги энг зўри бўлиш – мана унинг қарashi.

Энг қизиги у ўзининг бу қарашларини ритуаллар билан мустаҳкамлаб боради. Агар Сизда қарашлар бўлсаю, аммо ритуаллар бўлмаса, у ҳолда ўзингизни алдашдан тўхтанг.

Унинг ритуали – ҳали ҳеч ким қилмаган ишни қилиш. У оғир атлетика билан шуғулланишини бошлаган. Сиз айтишингиз мумкин оғирлик күттарувчи гольфист? Бўлиши мумкин эмас! У дунёнинг энг зўр гольфчиси бўлиб турган вақтда ҳам ўзининг свингини (свинг – гольфдаги зарбанинг номи) янгилашга қарор қилди. Чунки у англаб етдики, агар тарихдаги энг зўри бўлмоқчи бўлсанг, ўз свингингни ўзгартиришга тўғри келади.

Бир қараща айтиш мумкин, «*Бундан нима маъно, агар сен шу ҳолда ҳам зўри бўлсанг?*» Аммо у ўзини жуда кўп машқ қилдирди. Чунки унинг ритуаллари бошқа гольфистларнидек эмас эди. **Энди эса кўпгина спортсменлар зўр бўлиш учун ундан нусха кўчирияптилар. Ҳайратланарлимиди?!**

Майл Фелпсга қаранг!

Бу сузувчи 2008 йилдаги олимпиадада 8 та олтин медални қўлга киритди. Сиз унинг 7 – олтин медальни хозиргина қўлга киритган, силласи қуриган ва ўзиннинг финал сузишига тайёрланаётган лаҳзаларини эслайсизми? У

қандай қилиб ютди? Секунднинг 100 дан бир улуши!

Сиз бу нарса ундағи кучли күникма натижаси деб үйлайсизми? Ёки бу унинг «Мен чемпионман! Уни мендан ҳеч ким тортиб ололмайды!» деяётган стандартими?

Қандай қилиб бўлса ҳам у рақибидан секунднинг 100 дан бир улуши микдорига ўзиб кетишга ўзини мажбур қилди. Майкл Фелпснинг бу лаҳзага келиши учун нима сабаб бўлганини биласизми? Бу унинг ритуаллариdir. Бу йигитнинг биографиясини ўқиб кўринг.

Кўпчилик сузувчилар оғир машқлар билан шуғулланишади. У эса, бундай оғир машқлардан кунига 2 ёки 3 тасини қиласи. Бошланишида бошқа сузувчилар унинг калласи жойидамас деб ҳисоблашарди. Сен жуда ортиқча машқ қиляпсан, сен бундай қила олмайсан, бу жисмонан имконсиз деб айтишарди.

Аммо унинг ўз стандартлари ва бу стандартларни мустаҳкамловчи ритуаллари бор эди.

Сизга айтмоқчи бўлган якуний мурожаатим қўйидагича:

Бу йил олдингисига ўхшаш бўлишига йўл қўйманг, ҳаттоқи у ажойиб бўлган бўлса ҳам. Ушбу янги йилда ҳаммаси бошқача бўлсин. **Ўз стандартларингизни кўтаринг!**

Ўзингизга хаётнинг ҳали Сиз англаб етмаган гўзал ва хайратомуз жиҳатларини кашф қилинг. Агар ҳаёtingизни яхши томонга ўзгартирмасангиз, Сиз баҳтли бўла олмайсиз.

Бизни баҳтли қиласиган нарса, бу биз Сотиб олётган нарсалар эмас, балки бизнинг ким бўлиб етишганлигимизdir. Олиш билан бирга нималарни беришга қодирлигимиз бизни ҳақиқий маънода баҳтли қиласи. Ўз ҳиссамизни хис қилиш чуқур қониқиш ҳосил қиласи.

